


**OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI**

**YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI VA TAKOMILIDA
ABDULHAMID CHO'L PON IJODINING O'RNI**

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA

2022-yil 15-mart



*Uzoq yo'lning yo'lchisiman, boraman,
Istagimni bu yo'llardan olaman!..*

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI
VA TAKOMILIDA ABDULHAMID CHO'L PON
IJODINING O'RNI”

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA
(2022-yil 15-mart)

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

УЎК: 821.512.133-4.

КБК: 83. (Ў)

Tahrir hay'ati:

**A.S.Yuldashev, R.Shamsutdinov, B.Rahmonov, Z.Mamajonov,
D.Abdullayeva, S.Islomova, I.Madg'oziyev**

Mas'ul muharrir:

Dilmurod QURONOV

Filologiya fanlari doktori, professor

Taqrizchilar:

Nurboy JABBOROV, f.f.d. prof.

Bahodir KARIMOV, f.f.d. prof.

Ushbu konferensiya bajarilishi 2021–2022 yillarga mo'ljallangan A-OT-2021-57 raqamli "Cho'lpon hayoti va ijodiy merosi manbalarining elektron platformasi va mobil ilovasini yaratish" mavzusidagi amaliy loyihasi doirasida o'tkazilgan.

Гайрат МУРОДОВ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

РОМАНЧИЛИКДА ЯНГИ БАДИИЙ ТАЖРИБА

Аннотация: ишда буюк ижодкор Абдулхамид Чўлпоннинг романи киёсий-типологик тарзда тадқиқ этилган. Мазкур бадий яратма “Ўткан кунлар” асари билан муқояса этилган, шу асосда “Кеча ва кундуз”нинг новаторона моҳияти ойдинлаштирилган.

Калит сўзлар: ўзбек романчилиги, романчилик мактаби, бадий матн, матнлараро боғланиш-алоқалар, адабий-бадий анъана, матний-структурал майдон, генетик-тарихий манба, бадий хронотоп, қаҳрамон структураси, анъанавий тарихий роман.

Ўзбек романчилиги тараққиётида Абдулхамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” (1934 йил) романи алоҳида ўринга эга.

“Кеча ва кундуз” буюк адиб А.Қодирий асос солган ўзбек тарихий романчилик мактабини бадий-структурал жиҳатдан ривожлантириб, янада юқори даражага олиб чиқиш йўлида муҳим, дадил кадам бўлди.

Бу йирик насрий асар, тасвирланган давр, бадий-фалсафий мундарижасига кўра, “Вальтер Скотт романи” силсиласига мансубдир. Асарда, зукко адабиётшунос О.Шарафиддинов сўзлари билан айтганда, “Туркистоннинг тарихий тақдири ифодаланган”, бу мамлакатнинг “зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаёти” (1, 188) очиб берилган.

Чўлпоншунос Д.Қуроновнинг ёзишича, “тарих юзсизларча сохталаштирилаётган бир пайтда адибнинг инқилоб арафасидаги ва инқилоб йилларидаги Туркистон ижтимоий воқелигини бадий тадқиқ этишга жазм қилиши... катта ижодий жасорат эди” (2, 26).

“Кеча ва кундуз”да тарихнинг бурилиш нуқтасида турган, мураккаб, зиддиятли шарт-шароитда яшаётган жабрдийда халқнинг хаёти, психологияси бадий инъикос этилган.

Табиийки, ҳар қандай бадий матн ўз структурал майдонида воқеликнинг муайян манзаралари, воқеа, ҳаракатларини акс эттириш билан биргаликда адабиётлараро, матилараро боғланиш-алоқаларни, ички-алоқавий муносабат оқимларини, бадий ворисийлик, анъанавийлик, адабий-бадий тажрибаларни қамраб олади. Бадий матн муттасил ҳаракатда бўлган чексиз майдон экан, бу ҳаракат уни ҳамиша тарих ва мавжуд замондаги бошқа матний оламлар билан боғлайди. Бундай боғланиш ва алоқаларсиз бадий матн яшай олмайди, албатта. Бинобарин, “Кеча ва кундуз” бадий худуди ҳам структурализм намояндалари томонидан кашф этилган мазкур қонуниятдан четда эмас.

Улкан истеъдод эгаси, улуг ватанпарвар Абдулҳамид Чўлпон А.Қодирий сингари жаҳон адабиёти хазинасидаги маънавий-адабий бойликлардан яхши хабардор адиб эди. Мана шу хабардорликни у яратган роман, асардаги гоят пишиқ бадий-концептуал асос қўйилган матний-структурал майдон яққол кўрсатиб, исботлаб турибди.

Д.Қуронов Чўлпон поэтикасига бағишланган докторлик ишида “Кеча ва кундуз”нинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Сароб” романлари билан алоқа-боғланишларини далиллаб кўрсатиш билан бирга, бу роман Ғарб романчилигига яқинлашиш йўлидаги дадил қадам, деб қайд этган (2, 32).

Чиндан ҳам “Кеча ва кундуз” Шарқ ва Ғарб адабий-бадий анъаналари, ҳаракатларини яхлит бадий майдонга бирлаштириш, уйғунлаштириш бўйича янгича бир тажриба бўлди. Бундай бадий тажриба ромanning эпик жанр сифатида улкан матний-структурал имкониятларга эгаллигини, у ўз бадий майдонига йирик воқеа-ходисаларни, шунингдек, инсон (қаҳрамон) руҳиятининг кўп қатламли фикрий-хиссий оқимларини сиғдиришини бадий ижод тажрибасида яна бир қарра исботлаб, тасдиқлаб берди.

“Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар”дан кейин Марказий Осиё адабиётлариаро кенг кўламли жараёнда шаклланиб, ривожланиб борган янги (ўзбек) романчилик мактабига мансублигини қиёсий, типологик таҳлил этиш давомида яққол кўриш мумкин.

Авваламбор, шуни қайд этиш лозимки, “Кеча ва кундуз” – мустақил бадий майдонга эга, алоҳида тарихий давр (XX асрнинг 10-йиллари)ни, шу даврга хос ижтимоий-иқтисодий, маданий, ахлоқий, психологик муносабат-ҳаракатларни муайян қаҳрамон ва персонажлар фаолияти, характер олами, муомала-мулоқотлари, «ички» – рухий-психологик кечинмалари оқими орқали бадий акс этган эпик асар. Агар “Ўткан кунлар” романи бадий структураси учун, асосан, Шарку Ғарб эпоси намуналарини “Илида”, “Одиссея”, “Алпомиш”, “Манас”, “Рамаёна”, “Илиада”, “Одиссея”, “Алпомиш”, “Манас” манба бўлиб хизмат қилса, “Кеча ва кундуз”, биринчи раундда ғарб романчилик мактабларидаги ижодий-эстетик захира, бадий тажрибалардан озикланиб яратилган.

Роман матни қатламларидаги рангин-куюқ романтик бўёқ ва тасвирлар ўрнини реалистик, кундалик-оддий ҳаёт манзараларининг эгаллаб бориши, идеал-баркамол қаҳрамон ўрнини рисоладаги (реалистик) образларнинг ишғол қилиши, чуқур психологизм, унинг турли усул, воситалари матнга кириб келиб, бутун структурал майдонни ишғол этишга киришиши мана шундай баҳрамандлик натижасидир, албатта.

Таъкидлаш жоизки, “Кеча ва кундуз” асари муаллифи XX асрнинг биринчи ярмига келиб романчилик соҳасида катта тажрибага эга бўлган француз, рус, инглиз, немис, америка эпик адабиётидаги йирик эпик шакл структураси бўйича изланиш ва бадий тажрибалардан хабардор бўлган, улардан ўринли, ижодий фойдалана олган.

Шу билан бирга, Чўлпон яратган роман миллий заминга эга бўлиб, индивидуал характер, қаҳрамон, типларни ўз бадий оламига жо қилган, Шарқ адабий-бадий тажриба, маънавий-бадий бойликларидан озикланган адабий-эстетик тизим, ўзига хос бадий майдондир.

“Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар” сингари анъанавий тарихий роман гуруҳига мансуб. Бинобарин, унинг бадий матнида “Ўткан кунлар” билан муштарак адабий-бадий принциплар, белги-аломатлар мавжуд.

Бу икки роман ўртасида генетик-шажаравий манбалар, бадий-эстетик тасвир усуллари, бадий хронотоп, қаҳрамон(лар) структурасида жиддий тафовут, сифат-структуравий ўзгариш-эврилишлар мавжудлигига қарамай, улар ягона ҳудудий, адабий-тарихий жараёнда юзага келган мустаҳкам алоқа-боғланишлар, адабий-поэтик, дунёқараш, ижтимоий-мафкуравий тафаккур билан боғлиқ уйғунлик ва муштаракликларга эга. “Ўткан кунлар” ҳамда “Кеча ва кундуз”ни, аввало, эпик жанр (роман), жанр хили (“Вальтер Скотт романи”), тасвирланган ҳудуд (Туркистон) ўзаро боғлаб, туташтирган.

“Ўткан кунлар” билан “Кеча ва кундуз” бадий тағматлариаро ўзаро муштараклик ҳақида фикр юритганда, биринчи навбатда, бу романлар бадий-ғоявий концепцияларидаги муштаракликни ҳисобга олишга тўғри келади. Бадий-ғоявий концепциялардаги боғланишлар дунёқараш, миллий ва умуминсоний тафаккур, муштарак ахлоқий-эстетик тағзамин ва манбалар моҳияти, йўналишлари, таъсири билан боғлиқ.

А.Қодирий ва А.Чўлпон XX аср бошида Туркистонда юзага келган буюк ижтимоий-мафкуравий, маданий-маърифий ҳаракат – жадиличликнинг буюк намояндалари эдилар. “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” бадий матнлари, шунингдек, тағматларида бевосита ёхуд билвосита жадиличлик дунёқарашини, идеалларини, мақсад ва уринишларини ўз бадий ифодасини топган.

Жадидлар Туркистон халқларининг бирлашиши, мустаҳкам давлатчилик, ижтимоий-сиёсий ривожланиш, қонун устуворлиги йўлида саъй-ҳаракат қилганлар. Улар миллий, ҳудудий парокандалик, бўлиниш, уруш-низолар мамлакатни заифлаштириши ва пировардида миллий мустақилликнинг барбод бўлишига олиб келишини яхши тушунганлар.

“Ўткан кунлар”да Туркистон (Марказий Осиё)нинг мустақилликдан маҳрум бўлиш сабаблари бадий тадқиқ этилган бўлса, “Кеча ва кундуз”да

эса миллий мустақиллигидан айрилган халқнинг фожиаи ҳаёти, аччиқ қисмати тасвирланган.

Бу икки романдаги ана шу сабаб ва оқибат ўзаро бирлашиб, муаллифлар – А.Қодирий, А.Чўлпон дунёқарашидаги бадиий, ижтимоий муштаракликни зухур этган. Бундай бадиий муштаракликнинг бадиий майдони марказига Ватан озодлиги, мустақиллиги ғояси қўйилган.

Бадиий асар, шу жумладан, романда улуг ғоя мислсиз истеъдод билан бирлашсагина, мукаммал бадиий-эстетик тизим, яхлит бадиий майдон вужудга келади.

“Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”ни аналитик, қиёсий-типологик, структурал жиҳатдан муқояса қилиш, ўрганиш, тадқиқ қилиш уларнинг роман, – йирик эпик шакл сифатида етук бадиий тизим, матний бирликларнинг қўшилиши, туташувидан ҳосил бўлган эстетик ҳудуд эканлигини кўрсатиб турибди.

Нафақат бадиий, ижтимоий дунёқараш, шунингдек, бадиий образ, қаҳрамон, тип яратишда, бадиий матн яхлитлигини вужудга келтирувчи ижодий-эстетик принциплар, воситаларни истифода этишда, роман психологизмини юзага келтириш ва унинг теранлигини, ҳаққонийлигини таъминлашда мазкур икки асар орасидаги матний-структурал алоқалар, ўзаро ҳаракат ва боғланишлар муҳим аҳамият касб этган.

А.Чўлпон ҳам, “Ўткан кунлар” муаллифи каби, миллий турмушдан олинган, ўз характери, фаолияти, хатти-ҳаракатлари, руҳиятида тарихий шарт-шароит ва мавжуд муҳитнинг етакчи хусусиятларини мужассамлаштирган образлар силсиласини яратган. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ида халқнинг гамида юрган Юсуфбек хожи, Отабек, давлатчилик асосини сақлашга уринган Нормухаммад қушбеги, Ўтаббой кабилардан иборат образлар тизими, шу билан бирга, давлат заифлиги, миллий-этник парокандаликка сабаб бўлган Мусулмонкул, Худоёрхон, Азизбек, Ражаббек, Ниёз қушбеги каби тарихий ҳамда тўқима образлар ҳаракат қилса, “Кеча ва кундуз” бадиий сюжетининг асосий ҳудудида эса Ватан, халқ, миллат

дардидан узокда турган (Акбарали мингбоши), шу юрт, халқ мутелигини мустаҳкам сақламоқчи бўлган (ноиб тўра), манқуртлик психологиясини ўзида тўла мужассамлаштирган (Раззоқ сўфи), оила, муҳит маҳдудлиги исканжасига тушган (сўфининг хотини, Зеби, мингбошининг хотинлари - Хадичахон, Пошшоҳон, Султонхон) образлар ҳаракат қиладилар. Бунинг асосий боиси “Ўткан кунлар”даги етакчи қаҳрамонлардан бири, “Шарқ оталиги” Юсуфбек ҳожи сўзлари билан айтганда, Туркистоннинг “ҳалокат чуқури”га бориб қолгани, “наслнинг бўйнига” ўрис бўйиндиригининг кийдирилгани, яъни Ватаннинг мустамлака ҳолига тушиб қолганидир.

Шу маънода “Кеча ва кундуз”ни фоживий ёки фожиялар ҳақидаги роман деса ҳам бўлади. Мамлакат, халқ, миллат фожияси бадний матн сюжет майдонида турган ҳар бир қаҳрамон, персонажга ўз таъсирини, ҳукмини ўтказган. Бахтсиз, эркин халқнинг фарзанди, вакили бахтиёр, эркин яшашга ноил эмас. Бу фикр, гоё “Кеча ва кундуз”даги ҳар бир бадний образ характери, қисматида ўз тасдиғини топган.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
2. Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (настрий асарлари асосида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. - Тошкент, 1998.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGI KAFEDRASINING
A-OT-2021-57 RAQAMLI "CHO'L PON HAYOTI VA IJODIY MEROSI
MANBALARINING ELEKTRON PLATFORMASI VA MOBIL ILOVASINI YARATISH"
MAVZUSIDAGI GRANT LOYIHASI DOIRASIDA O'TKAZILGAN
"YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI VA TAKOMILIDA
ABDULHAMID CHO'L PON IJODINING O'RNI"
XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN ANJUMANIDAGI ISHTIROKI UCHUN

HAMZA

SERTIFIKAT
BERILDI



REKTOR:

A.S. YULDASHEV

ABDULHAMID
SULAYMON O'G'LI
CHO'L PON

ANDIJON
2022-YIL 15-MART